

---

## Мухим хабар

✂ “Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш Услугияти” тасдиқланди

□Услугият “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди. Ушбу Услугият (<https://lex.uz/pdfs/6329831>) 9 та боб, 37 та банддан иборат бўлиб, унда баҳолаш тизимининг босқичлари, давлат органларида баҳолаш тизимини жорий этиш, ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва баҳолаш, амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш, давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини баҳолаш механизми, баҳолаш интервьюси, шикоят қилиш тартиби ҳамда якуний қоидалар билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинмоқда. Услугиятнинг амалиётга жорий этилиши келгусида давлат органлари олдига қўйилган вазифа ва функцияларни сифатли таъминланишига замин яратади.

Шунингдек, аҳоли муаммолари билан манзилли ишлаш ҳамда самарали меҳнат учун адолатли рағбат механизми шаклланишини таъминлайди.

???? Батафсил.

(<https://argos.uz/uz/press-center/news/476>)???? Услугият матни билан танишиш (<https://lex.uz/pdfs/6329831>).

2022-12-29 17:10:59